

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

Ўзбекистон-Туркия:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



СУРАТЛАРДА: Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов ва Туркия Республикасининг Президентини Сулаймон Демирел.



Ислам Каримов ва Туркия Бош вазирини Тансу Чиллер.

«Бу гапга сафардан асосий мақсад Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигини янги bosqichga kuterishdir».

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов ўзининг Туркияга навбатдаги давлат таширфини лунда қилиб ана шундай таширфлади. Зеро, бу таширф нисбатан яқин бўлди — икки кун, яъни 23—24 июн кунлари кечди. Бироқ қилинган ишларнинг қўлими, олиб борилган музокара-ларнинг самардорлиги, имзоланган ҳужжатларнинг салмоғи жиҳатидан ушбу таширф айрича бир сафар бўлди. Буни найки биз, айни чоғда Туркия раҳбарлари ишбилармонлари, матбуотию радио ва телевидениеси эътироф этди. Аввало шунини айтиш керакки, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг унинг дунёда биринчи бўлиб Туркия Республикаси тан олган эди. Уша мураккаб, оғир дамларда Туркия раҳ-

барлари, тили, дини, этни-қоди биз билан бир бўлган турк халқи Ўзбекистонга, Ўзбек халқига ёрдам қўлини чўзгани, кредитлар бергани ҳам аниқ. Бу тарихий фактнинг ҳеч ким инкор эт-майди, аксинча, халқимиз уни сира эсидан чиқармайди. Ўзбекистон Президенти Туркияга, Туркия раҳбарларининг Ўзбекистонга таширфлари самараси ўлароқ бир қанча муҳим ҳужжатлар имзоланган. Шу ҳужжатларга асосан ўзаро ҳамкорлик борасида анча-мунча ишлар қилин-ди. Ўзбекистонда юздан ортиқ ўзбек-турк қўшма корхоналари очилгани, Туркиянинг турли олий ўқув юрталарида икки мингга яқин Ўзбекистонлик талаба-лар, Ўзбекистонда эса тур-киялик талабалар тахсил олаётгани, ҳар иккала дав-латда элчионалар очилгани

шулар жумласидандир. Аммо Ўзбекистон ва Туркияда икки қардош, жондош мамлакат учун, Ўзбек ва турк халқи учун бу сингари ишларнинг ўзи етарлими? Ҳам-корликнинг ҳозирги аҳволи бугунги кун талабига жа-воб берадими? Таҳлиллар, бажарилган ишларга та-ниқий қўз билан қараш шунини кўрсатадигани, бу са-волларга том маънода ижо-бий жавоб бериш қийин. Бундан ҳам Туркия, ҳам Ўзбекистондаги алоқадор вазирликлар, идоралар, кон-цернлар, фирмаларнинг раҳбарлари тегишли хуло-са чиқаришлари зарур. Ислам Каримов Туркия Президенти Сулаймон Де-мирел билан бўлган якима-ляка суҳбатда ҳам, икки мамлакат расмий делега-цияси аъзоларининг ишти-рокидаги мулоқотда ҳам, Туркия Бош вазирини Тансу Чиллер хонимини қабул қил-ганида ҳам масалани ана шундай очиб ва қўндалан

қўйди. «Ўзбекистоннинг имкони-ятлари, ички потенциал, истиқлолга эришгандан кей-ин рўй берган ўзгариш-лар, бизда қабул қилин-ган муҳим ҳужжатлар, сар-моядорлар, ишбилармонлар учун яратилган шароитлар ҳақида Туркияда тўла маълумот йўқ. Бу бизни ажаблантиради албатта», — деди Ислам Каримов. Бу фикрни Туркия раҳбарлари ҳам эътироф этди. Кейин-ги бир-бир ярим йил даво-мида туркиялик ишбилар-монлар Ўзбекистонлик ҳам-корлари билан нисбатан кам алоқа қилаётганининг сабабларидан бири балки шундир. Холбуки, Ўзбеки-стон бугун чет эллик иш-билармонларга, сармоядор-ларга эшигини кенг очган. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари, атайлик, Америка Қўшма Штатла-ри, Буюк Британия, Гер-мания, Хитой, Франция, Корея Республикаси, Япо-ния ва бошқа давлатлар-

нинг ишбилармонлари ва сармоядорлари, банклар ҳамкорлик қилиш мақсади-да турли тақлифлар билан келди ва келаяпти. Улар-нинг кўпчилиги аллақачон амалий ишга ўтган. Лоқам Андижон ва Хоразмда Ко-рея Республикаси ва Гер-мания билан ҳамкорликда автомобил заводлари қури-лаётганини эслатишнинг ўзи кифойдир. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келти-риш мумкин. Ана шундай йирик сармоядорлар, иш-билармонлар, банк соҳибла-ри орасида туркиялик қар-дошларимизни қўришни ис-таймиз. Шу ўринда Ислам Каримовнинг мажозий қи-либ оидолаган мана бу фикрга эътибор беринг: «Туркия раҳбарлари, иш-билармонларига айтдим: бу аҳволда сизлар Ўзбеки-стоннинг жаҳон мамлакат-лари билан ҳамкорлик по-ездининг қайси вагонидан жой оласизлар? Охирига ва-гонга тушиб қўлингиз мумкин-ку. Ваҳоланки, биз-

нинг сизларга муносабати-мик, меҳримиз шундайки, ўз қардошларимиз бўлган туркиялик сармоядорлар, ишбилармонлар, банк ва-киллари, фирмаларнинг раҳбарлари олдинги вагон-ларда бўлишни истаймиз. Улар бу фикрни тан олди-лар». Такрор айтмай, Ўзбеки-стон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорлик ўз самараларини бермоқда. Бироқ, бу ҳам-корлик энди ички ширкат-лар, савдо-сотиқдан йирик, кенг қўламли ишларга кў-чириш зарур. Чунки, респу-бликамиз эгамен бўлганидан буён ўтган қисқа вақт ичи-да жаҳонга юз тутди, дунёнинг энг тараққий топган давлат-лари билан ҳамкорлик қила бошлади, айни чоғда катта тажриба туپлади, ислохот-нинг янги bosqichiga kuta-рилди. Демак, хорижий мам-лакатлар, жумладан, Тур-

(Давоми 2-бетда).

ЭЛ МАНФААТИ— ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИ

25 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасида йиғилиш бўлди. Унда Тошкент шаҳрида, шу жумладан, шаҳар бозорларида савдони ташкил этишнинг аҳволи ва Давлат солиқ қўмитасининг савдо-сотиқ фаолияти билан маш-гул юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан амалда-ги қонунчиликка риоя этили-шини назорат қилиш бола-сиданги ишлар тўғрисидаги масалалар муҳокама қилин-ди. Қўрақалпоғистон Рес-публикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги, шунингдек алоқадор ва-зирликлар, идоралар, кон-церн ва уюшмалар, раҳбар-лари ушбу йиғилишда иштирок этдилар.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКАНИНГ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ТОВАР БИЛАН ТУЛДИРИШ ВА АҲОЛИГА САВДО ХИЗМАТИНИ ЯХШИЛАШ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРЎВЧИ ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг «Республиканинг истеъмол бозорини тулдириш, пул муомаласини мустақам-лаш ва экспорт имконияти-ни кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» қарорини мувофиқ ҳам-да истеъмол бозорини то-вар билан тулдириш, савдо корхоналари ва деҳқон бозорлари ишини яхшилаш дастури рўбга чиқарили-шининг таъсирчан назорат қилинишни таъминлаш, шу-нингдек бу соҳадаги салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳ-камаси қарор қилади:

1. Қўйидаги таркибдан иборат ҳукумат комиссия-си тузилисин:
Жўрабеков И. Ҳ. — Бош вазирнинг биринчи ўрин-босари, комиссия раиси
Усмонов М. З. — Бош вазир ўринбосари, комиссия раисининг муовини
Абдувалиев Ш. Ю. — Мо-лия вазирининг ўринбосари
Абдуғаниев Б. А. — «Ўз-бекбирлашув» бошқаруви раиси
Одилов Р. А. — Ташқи иқтисодий алоқалар вази-рининг ўринбосари вази-рининг бошқаруви раиси
Алматов Э. А. — Ички ишлар вазири
Султонов Ҳ. Т. — Бош вазир ўринбосари
Мардиев А. М. — Адлия вазири
Муллажонов Ф. М. — Марказий банк бошқару-ви раиси
Мустафоев Б. М. — Бош прокурор
Файзиев Э. А. — «Ўзбек-савдо» уюшмаси бошқару-вининг раиси
Носиров П. Х. — «Ўз-дастиқболтаст» раисининг ўринбосари
Мансуров А. Е. — Вазир-лар Маҳкамасининг бўлим мудирини
Қурбонов Э. Қ. — «Узо-қоптайёрловсавдо» бошқару-ви раиси
Шаронов Ю. Г. — «Ўзул-гуржибиржасавдо» бошқару-ви раиси
Файзиев А. И. — Тош-кент шаҳар ҳокими
Қўрақалпоғистон Рес-публикаси Вазирлар Ке-н-гаши раисининг ўринбосари, вилоят ҳокимларининг савдо масалалари билан шу-ғулланувчи ўринбосарлари.

2. Комиссияга (ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков) қўйидаги вазифалар топширилисин: Истеъмол бозорини то-вар билан тулдириш дасту-рини амалга ошириш, рес-публика вилоятлари, ша-ҳарлари ва туманларида ишларни ташкил қилиш, шунингдек товар захирала-рининг мавжудлиги, улар-нинг тулдириш борилиши ва аҳолига сотилиши тў-ғрисида ҳисобот бериб ту-риш; тизимини жорий этиш бўйича бир ҳафта муддат ичида амалий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш. Ҳар ойнинг 10-куни дастур қандай бажарилаётгани тў-ғрисида маълум қилиб ту-риш;

3. Қўрақалпоғистон Рес-публикаси Вазирлар Ке-н-гаши, вилоятлар ва Тош-кент шаҳар ҳокимлари зиммасига ҳудудларда ай-ни шундай комиссиялар ту-зиш мажбурияти юклати-либ, бу комиссияларга ис-теъмол бозорини тулди-риш, деҳқон бозорларидаги, «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув» ва «Ўз-кооптайёрловсавдо» тизим-ларидаги салбий ҳолатлар-ни тугатиш, республика аҳолисига савдо хизматини яхшилаш борасидаги иш-ларни мувофиқлаштириш вазифаси топширилисин. Ҳу-дудий комиссияларнинг ра-ислари республика миња-қаларидаги ишларнинг аҳ-воли тўғрисида ҳукумат комиссиясига мунтазам су-ратда маълум қилиб ту-ри-синлар.

4. Ишларнинг аҳволини тубдан яхшилаш, савдоний бозорларидаги салбий ҳо-латларга қарши қатъий ку-раш олиб бориш учун шах-сий жавобгарлик Қўрақал-поғистон Республикаси Ва-зи-рлар Кеңашининг Ра-ис-ни, вилоятлар, Тошкент шаҳри, республика туман-лари ва шаҳарларнинг ҳо-кимлари зиммасига юк-ласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юкласин.

6. Вазирлар Маҳкамаси-нинг 1994 йил 23 июндаги 234-сон фармойиши ўз ку-чини йўқотган деб топилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
Ф А Р М О Н И
Ю. Ф. ПАЙГИТОВ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ
ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Юрий Федорович Пайгитов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.
Ўзбекистон Республикаси Президентини
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1994 йил 27 июнь.



Ички мамлакат делегациялари учрашуви.

Ф. ҚУРБОНОВЕВ олган суратлар.

(Ўза).

Самимий қўтловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛАМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам жаноб Президент!

Польша Республикасининг миллий байрами — поляк халқи тарихида жуда муҳим бўлган воқеа — 3 май Конституцияси қабул қилинган муносабати билан мен интиқим билан йўлдан табриқномамиз учун самимий миннатдорлик билдираман. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик янада кенгайиб, ўзаро алоқаларни мустақамлашга ва давлатларимиз ҳамда халқларимизнинг оқсоғиша келажакни барпо этишга қўмаклашишга ишончим комил.

Лех ВАЛЕНСА,
Польша Республикаси Президентини.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛАМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноблари,
Венага қайтиб келганимдан сўнг яқинда Ўзбекистон Республикасига таширфини чоғида мен билан қилган сер-мазмун суҳбатингиз учун яна бир марта самимий ми-натдорлик изҳор этишни лозим топдим.
Сизнинг гиёҳвандликка қарши курашнинг қатъий та-

рафдори эканлигини Ўзбекистон Республикаси билан Бир-лашган Миллатлар Ташкилотининг наркотик моддаларга қарши кураш халқаро дастури (ЮНДКП) ўртасида му-ваффақиятли ҳамкорликнинг мустақам гаровидир. Суҳбат чоғида дастур фаолиятини қўллаб-қувватла-ганини ҳамда гиёҳвандликка қарши кураш чораларини кучайтириш мақсадида халқаро ҳамжамиятнинг дасту-рини маблағ билан таъминлашга самимий қизиқганингиз учун жуда миннатдорман.

Буларнинг ҳаммаси гиёҳвандликка қарши кураш бў-йича миллий егитликларга ёрдам кўрсатишга қаратил-ган кўп қирралли лойиҳани амалга оширишда менга куч-қувват бағъшлади. Таширфини чоғида сизнинг ҳу-қуқингиз билан шу ҳақдаги лойиҳани имзолаш ша-рафига муяссар бўлдим.

Самарали суҳбатимизнинг натижаси сифатида гиёҳ-вандликка қарши кураш халқаро дастурининг суд-тибиёт экспертизаси мутахассиси хизмат сафари билан бугун Ўзбекистонга жўнамоқда. У наркотик моддалар-ни аниқлашнинг сўнгги халқаро илмий андазаларини жор-ий этиш юзасидан мутахассисларга маслаҳатлар бера-ди. Гиёҳвандликка қарши кураш халқаро дастури тах-минан июнь ойининг ўрталарида бу ишга доир янги қо-нунлар хусусида Ўзбекистон парламенти аъзоларига қўмаклашди. Ўзбекистон ёшлари ўртасида наркотик мо-далардан фойдаланишга йўл қўймаслигини кўзда тути-дан лойиҳани тайёрлаш ишлари эса, ниҳоятга етай деб

қолди. Гиёҳвандликка қарши кураш халқаро дастури мун-тазам қўллаб-қувватлаётгани учун ҳамда Ўзбекистон Республикасидики менга ва касбдошларимга кўрсатилган меҳмондўстлик учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдор-лик билдираман.

Ўзбекистонда гиёҳвандликка қарши кураш билан шу-ғулланаётган турли ташкилотларнинг касб маҳорати юксаклиги ва самардорлигини таъкидлаш мен учун қу-вончлидир. Бу ташкилотларнинг раҳбарлари билан халқ-аро дастур ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги бўлажак ҳамкорликнинг амалий масалаларини муҳока-ма қилиш чоғида кўп нарсани билиб олганим ва гиёҳ-вандликка қарши кураш ташкилотларининг раҳбарлари билан ЮНДКП ўртасидаги яхши амалий муносабатларни ўрнатилганидан мамнулимни ҳам таъкидлайман.

Пировардида, мамлакат ичкарисида наркотик модда-ларга қарши кураш чораларини мустақамлашда, нар-котик моддаларни мамлакат ҳудудидан қайриқонуний йўл билан олиб ўтишни тақиқлаш борасида эришган катта ютуқлари учун Ўзбекистондаги барча расмий шах-сларга самимий ҳурматимни изҳор қилишга рухсат эт-гайсиз.

Камол эътиром ила
Жоржжо ЖИАКОМЕЛИ,
БМТ наркотик моддаларга қарши кураш халқ-аро дастурининг ижрочи директори.

• Қадриятларимизни тиклаймиз

ФУРСАТ ҲАҚ ҲУКМНИ АЙТАДИ ОХИР, ЭЛИГА БЕК БЎЛИБ ҚАЙТАДИ ШОИР...

Бўстонлиқ туманида Элбек таваллудининг 95 йиллиги кенг нишонланди

...ЭРТАЛАБДАН бери хира тортиб, димкиб турган ҳаво тушта бориб ерилди — осмон этагидан ёйилиб келаётган қорамтир булутлар Хумсон қишлоғи тепасида пастлаб, йирик-йирик, муздеккина емир томчилари ега бошлади. Худди шу вақтда қишлоқнинг энг хушманзара жойида ташкил этилган “Элбек боғи”да таниқли шоир ҳам олим, қатагон даврининг курбони Элбек таваллудининг 95 йиллиги нишонланаётган эди. Шоир руҳига тиловат қилган қариялар табиатнинг айни езу кундаги бу “қилиғи”ни яхшиликка йўйдилар: “Майли, қайтаган яхши бўлди. Ҳаммаёқ губорадан тозаланди, одамларнинг дили ҳам покланди. Балки бу емир Элбек руҳининг шу атмосфера шод бўлиб кезиб юрганидан аёнликдир...”

Ҳа, деярли ҳалқ сайлига айланиб кетган бу улкан тадбир нафақат хумсонликлар, учун, балки ўтмиш ҳақиқатларини тиклашга бел боғлаган бутун ўзбек халқи учун ҳам кўпдан оруз эди. Эҳ-ҳе, шу кунни Хумсондан чиққан табаррух инсоннинг номини тавоф этгани ҳазилмакам одам келдими?! Республикада номи кетган олимлар, шоир-эзувчилар, санъаткорлар, жамоатчилик вакиллари... Ҳатто бир вақтлар “мен шоирнинг яқиниман” дейишга ботинолмаган ҳаридон-уруғлари-ю, ер-биродарлар ҳам шу ерда эдилар. Йигини давомиди “Элбекнинг халқ учун қилган хизматлари, инсоний фаълиятлари тақдор-тақдор эсланди. Оруз-умидларга тўла ташини шеърлари бор бўй-баста билан янтради. У бир леъриси шундай эсан экан:

Йирик адабиёт вакиллари реалистик йўналишдаги янги адабий муҳитни жонлантириб, унинг доирасини кенгайтирмоқда эдилар. Ана шу адабий муҳит қалбдан шоир бўлган Машиқини ижод оламига етаклаб кирди. Бора-бора у халқнинг оруз-умидларини ифода этувчи асарлар яратди, шоир ва таржимон сифатида ном қозонди, “Гузал қиз”, “Ўтмишим”, “Чирчиқ”, “Ўзбекистон”, “Борбон” сингари ўйлаб дostonлар эди. Элбек ўзбек адабиётида шоир сифатидагина эмас, балки ҳикоятнавис сифатида ҳам из қолдирган. Афсуски, унинг кўпқиррали бой ижоди ҳали етарли даражада ўрганилгани йўқ.

— Биз мустақиллик тўғрисида миллий қадриятларимизни тиклаш ва тарихимизни ҳаққоний ўрганиш имконияти яратилган еруғ йўлга чиқиб олдик, — дейди Бўстонлиқда ўтган Элбек юбилейи таъкилотчиларидан бири, шу туман ҳокими Абдуманнон Абдувосиқов. — Бизнинг Хумсонда туғилб ўсган Элбек халқнинг чинакам фидойи фарзанди эди. У жамиятдаги хато-камчиликлар ва иллатларни очиб айтиш мумкин бўлмаган муҳит бир даврга яшади ва ижод қилди. Шоирнинг ўйлаб шеърини китоблари, таржималари, бадиий-идмий мақолалари нашр этилгандан хабаримиз бор. Элбек бадиий ижод билан бир қаторда мактаб ўқувчилари учун қатор дарсликлар тил ва адабиётдан қўлланмалар, ўқиш китоблари, хрестоматиялар тузди... Манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1937 йилда Элбекни ўз уйдан қамоққа олиб кетдилар. Элбек халқимизнинг

“ортиқча” эди! 1930 йиллар ва унинг охири ани шундай машум сиеватнинг энг қора давлари сифатида тарихда қолди...

БАХТСИЗ ЎН УЧИНЧИ КҮН...

1937 йилнинг алғов-далғов кунлари... Ушанда Элбек умр йўлдоши Муборак Шермухаммедова билан Тошкентнинг Сталин кўчасидаги (ҳозирги Ҳадича Сулаймонова номи) эзувчилар уйда яшарди. Бу хонадонда Улбек исми фарзанд воғта етмоқда эди. Ҳамма нарса кунгиш мумкин бўлган ҳавотирли кунларнинг бирида, ҳоқ ярим кечаси уйга тўрт одам кириб, Элбекни зудлик билан қамоққа олиш ҳақида буйруқ борлигини маълум қилди ва...

Шу кунни рўй берган даҳшатли воқеаларнинг шоҳиди, кейинчалик аjoyиб педагог ва шахмат билимдони бўлиб етишган инсон — Элбекнинг ўғли Улбек Элбеков ҳозир ҳаётлар. Элбекнинг кейинги тақдир ва унинг оиласи бошига тушган қуфалар ҳақида билмоқ учун Улбек аканинг мана бу дарди ҳикоятга қўлоқ тутмоқ жоиздир:

— Уша 1937 йилнинг 13 августи мен учун энг қора кун ҳисобланади. Ҳамон кўз ўнгимда: уйимизга кирган кишилар қандайдир буйруқни кўрсатиб, даданимни ҳибсга олишди, уйимизни тинтув қилиб, тўрт-беш соатларга қолмай бор нарсаларимизни мусодара қилишди. Пианино, турли жиҳозлар, даданимнинг китоблари... Ҳатто меннинг шахмат ҳақида йиғиб юрган бир неча қизиқарли қўлланмаларимни ҳам қолдиришмади...

Даданим олиб кетанларидан кейин икки hafta ўтар ўтмас “халқ душмани”нинг оиласи бўлганимиз учун бизни уйдан чиқариш тўғрисида қарор бўлди. Яна бошпанасизлик... Ойим араб тили бўйича яхши мутахассис эдилар. Дадим қамалгач, унга ҳеч қаредан иш беришмади. Ахирги тўқмачилик комбинатига оддий ишчи бўлиб ишга кирганлар. Шунга ҳам шухр қилганимиз...

Ҳали еш бўлсам ҳам ҳар қадамда таъкиб ва камситиларга дуч келардим. Мактабда ўқиб юрганамда мени комсомол сифига қабул қилинмаган, хатто армияга ҳам олишмади. Кейин уруш бошланди. Қарангки, “халқ душманининг боласи” деб мени фронтга эмас, 1942 йилда меҳнат армиясига жўнатиб юборишди. Ивановна шахридаги заводда пулат куювчи бўлиб ишлаш бошладим. Рус тилини яхши билганим, озми-кўпми билимга эга бўлганим учун бир йил ичида бригадир қилиб тайинландим. Иш низоъда оғир эди. Бригадирликка ўтишим ўзим қизиқиб юрган шахмат билан ана шуғуллана бошлаганимга имкон яратди. Турли мусобақаларда қатнашиб, тилга тушдим. Бир гал Ивановна илойти бўйича барча рақиб шахматчиларни енгриб, чемпион ҳам бўлганман. Бу вақтда уруш ҳам тугаб, омон қолган жангчилар ўз ватанларига қайтмоқда эдилар. Бироқ негиздир бизларни заводдан озод қилиш ҳақида ҳеч қимдан сарф чикмасди, қани ўзингча бирор жойга кетиб кўр-чи?!

1946 йили мени Ивановнадаги “Спартак” жамияти раҳбарлари қақиртириб қолди. “Ҳўш, ўртоқ чемпион! Шахматни энди бизнинг томонда туриб ўйнашга розимсан? Агар ҳўп десанг сени заводдан бўшатиб оламиз. Политехника институтига ўқишга кирасан...” Заводдан бўшатиш мумкинлигини эшитдим-у, шартга ҳўп дедим. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиди. Иттидан озод бўлгач, институтга хужжатлар тўғрисида бахонасиз Тошкентга жўнавордим. Нима қилар, юрғам юна юртим Тошкентга талибини турарди, онамни, дўстларимни соғинган эдим. Қолаверса, шундай қилмасан заводдан осонликча келолмасан. Биз билан бирга борганларнинг кўпчилиги у ерда эллигинчи йилларгача қолиб кетдилар...

Тошкентга келгач, 1947 йили педагогика институтига ўқишга кирдим. Шу ерда ишладим. Аммо шахмат ҳаётим давомида меннинг энг яқин ҳамроҳим бўлиб қолган эди. Меҳнат фаолиятимни давом эттириш билан бирга республика миқёсидаги турли мусобақаларда қатнашиб юрдим. Ҳеч эсимдан чикмайди, мени институтда ишлаш учун олиб қолмоқчи бўлганларидан, комиссия “Отаси халқ душмани бўлган экан. Тўғри келмайди” деб тақлифни кескин рад этди. Йўлланмани эса Қаршига беришди. Мен Қаршига кетишдан эмас, адолатсизликдан, камситилишдан, очикдан-очик ҳақоратлардан ўзимни қўярга жой тополмай, эзилб юрдим. Шу орада Тбилисидан собиқ СССР биринчилиги учун шахмат мусобақалари бошланди қолди. Мен Ўзбекистон терма жамоаси сафида у еққа кетдим ва галяба билан қайтиб келдим. Келсам, институтдаги раҳбарлар ҳам, мени нисбатан чиқарилган қарорлар ҳам ўзгарди. Янги раҳбарият “Тбилисиданги муваффақиятларини учун” деб мени институтдан иш берди... Хуллас, шунча гаплар, ҳаётимнинг энг оғир давларида мени тункувиликдан, азоблардан қутқарган нарсаси-шахмат бўлди.

Жуда кўп ўйланман: фақат ўзи эмас, хатто авлодларигача маънавий қийноқларга мақхум ўтган отам-Элбекнинг халқ олдидаги гуноҳи нима эди эли? Ахир у болаларга сода, самийи, илгма берилган бегубор бир инсон эди-ку! Шундай дейман-у, отамнинг содаллиги ҳар қандай гурури, самийиати қадар қатъиятчилиги кўз ўнгимда намоён бўлади. У киши араб, форс тилларининг низоътада билимдони эдилар. Шундай бўлсада, мактабларда дарсларини ўзбек тилида олиб борилиши учун қаттиқ курашдилар, ўзбек тилида дарсликлар эдилар. Аммоз шу даврда бундай эзгу сый-ҳарақатлар тузум самасодонларига еқмади. Унинг изи та тушишди...

Дадим сургун қилингандан кейин анча вақтгача унинг тақдирини хабардор бўлолмадик. 1957 йилга келибгина Элбекнинг айбоси экани тал олинди ва тўла оқланди. Ҳақиқат кеч, жуда кеч қарор топди. Чунки Элбек 1941 йилдаёқ халқ бўлган эди... Кунларнинг бирида, юртга омон қайтишга кўзи етмаган Элбек ўзидан ўн ешлар чамаси ешроқ ва кўринишдан бардошлорққ ўзбек йигити сенига қақириб шундай дейди: “Ука, орамизда кимдир тирик қолиши керак. Сен бизнинг улумимизни ҳам егин. Ватанга бориш-насиб этса аҳволимизни ер-дўстларга албатта билдиргин”. Элбек ва унинг ендаги шериклари ҳар кунни йигитга мажбураб ўз улдушларини едир бошлайдилар. Асли Бухоролик бўлган ана шу одамга чиндан ҳам қамоқхонадан тирик қайтиш насиб этбидан ва Элбекнинг яқин дўстларидан бирини топиб, юқоридида воқеани гапириб берибди. Афсус, шу одам билан учрашолмадик. Суриштириб билсам, оламдан ўтган экан...

— Мен Элбекнинг хотираси учун шундай катта тадбир уюштириб, шоирнинг эд олдидаги хизматларини холис баҳолаган халдродлардан чекисиз миннатдорман. Шундай кунлар келишини билардим, — дейди Улбек ака ҳикоятини ақувлар экан. — Бу тўғрисида ўтказишда вилот ва Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги катта таъкилотчилик кўрсатди. Эзувчилардан Пиримқул Қодиров, Раҳим Отаев, Тура Мирзо, Ортиқбой Абдуллаевлар шу бутун Элбекнинг

алоҳида иззат-икром билан ўз эли бағрига қайтишда жонбозлик қилдилар, десам муболага деманг... Мен умуман бу ишга бош қўшган жамоатчиликдан миннатдорман. Илоҳим, шундай кунларга етказган Истиқлолимизга кўз тегмасин!

ЭЛБЕК ҚАНДАЙ ОДАМ ЭДИ?

ЭЛБЕК жуда оз умр кўрди, бироқ ўзидан бой мерос қолдирди. У моҳир журналист, етук шоир ва адиб, гаҳмўр мураббий, айни пайтда халқ оғзани ижодининг жонқуяри ва тарғиботчиси сифатида ўз даврининг илгор кишилари сафида турарди. Элбек Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари эзувчилар билан яқин дўст эди. Тез-тез йиғилишиб, мушоиралар ўтказишар, эли езилган асарларни ўзаро муҳокама қилишарди. Элбек сода ва юмшоқтабиат бўлгани учун баъзан ўзи билмаган ҳолда дўстларининг ҳазил-мутобиаларига сабаб бўлиб қоларди.

...Бир кунни Абдулла Қодирийнинг уйига бир гуруҳ шоир-эзувчилар йиғилишди. Гапдан гап чиқиб, Гулом Зафарий бошқаларнинг сўзини одоб сақлаб тинглаб ўтирган Элбекдан сўраб қолади: “Жўрналда янги шеърингиз чиқибди деб эшитдим? Келинг, шунга бир ўқиб беринг...” Элбек кутилмаган тақлифдан гапга аҳволга тушиб, чўнтақларини пайнаслаб бошлайди. Қарайди-ки, кўлсиза енида йўқ, едан айтай деса мисралар миясига келвермапти. Ҳамма кўзлар унга қадалган, Қодирий ҳам “Қани, қани бир эшитайлик...” деб турибди. Нима қилиш керак? Эсимдан чиқибди, деса аския бўлиши аниқ. Шу вақтда мушоирага қизиқиб келган бир йигит кўлини кўксига қўйиб ўрнидан турди-да, изн сўради: “Агар руҳсат берсаларингиз, домланинг шу шеърини мен ўқиб берсам. Жуда чиройли езилгани учун едлаб олган эдим”. Ва у донна-донна қилиб, ширали овоз билан ўқий бошлайди:

Кетдим йўлакай, қолди фақат йўлда узун из,
Етдим далалар бағрига кўккам елидек тез.
Тог лала оғиз, кўзлари юдуз, ўзи гул қиз,
Ҳай-ҳай, шу гўзал ергани қорлаб эдингиз...

маросимда чинтинг бўлди ва унда Элбек ҳам сўзга чиқди. Биз, мактабдан олиб борилган кашпофлар атрофда саф тортиб турардик. Ушанда шоирнинг битта гапи эсимда қолиб кетган: “Мен меҳнаткаш ва жафокаш ҳамкилоқларим учун ҳеч бир иш қилолмадим”. Йўқ, аслида Элбек бутун ўзбек халқи учун жуда еш бўлишига қарамай, катта ишлар қилишга улгурганид ўшанда. Биз шундай олим ва шоир ҳаётимиз билан фахрланамиз!

Ҳамма нарсанинг асл баҳосини вақт беради, деганлари рост экан. Умрининг охириги дақиқасигача эл-юрт учун яхшилик қилиш орузси билан ашаган Элбекнинг



Кўй мени, майли, мен шоир бўлайин, Ултичмак шеър, шеър деб ўлайин...

Ҳўш, бутун тақдирини шеърят билан, илм-фан билан боғлаган нозик қалб эгаси чиндан ҳам “халқ душмани” бўла олармики? Ундан нега бунчалар кўрқиншан? Умуман, Элбекнинг ўтмиши билан боғлиқ ҳақиқатлар тўла юзага чиқмоқдами? Хумсонда бўлиб ўтган тадбир худди ана шу саволларга жавоб излаши билан ҳам аҳамиятли эди...


НУР БЎЛИБ ЧОРЛАГАН САРОБ...

АГАР машур кишилар ҳаёти ҳақида гап кетгудек бўлса, баъзан улар ҳеч нарса эорқмай, мўъжизалар ниди яшаб ўтгандек тасаввур пайдо бўлади кишида. Аслида эса халқ манфати йўлида бирор хайрли иш қилишга кўл урган кишининг тақдирини оддий кишиларникига қараганда оғирроқ ва хатто фожеалироқ бўлганига тарихдан мисоллар кўп. Ўзбек халқининг миллий гурурини кўтариш ва оммани саводли қилиш ҳарақати билан ениб ашаган Элбек ҳам нурга интилиб оловга йўлқачларининг бири бўлди...

Элбек — Машиқ Юнусов 1898 йилда Бўстонлиқ туманининг тоғли Хумсон қишлоғида, камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. Ойладаги ноқорлик Машиқини жуда ешпичанок меҳнат қилишга, деҳқончилик билан шуғулланишга мажбур этди. Бироқ унда билим олишга иштиёқ низоътада кучли эди. Шунинг учун ҳам у қишлоқда олган дастлабки сабоқларини мустаҳкамлаш ва ҳақиқий билим эгаси бўлиш учун 1911 йилда Тошкентга йўл олади. Уни шаҳарнинг Левонобег махалласидаги “Ҳоқий” мактабига қабул қилдилар. Машиқ учун талабалик йиллари низоътада оғир кечди. Бошпанасизлик, юлпун ва ярим оқ ҳолда кун кечирдилар... Аммо моддий томондан қийинчилик ва оғир шароитга қарамадан Элбек тўрт йиллик курсни икки йилда битиради ва 1914 йилдан Шайхонтоҳурдаги “Намуна” мактабига ўқишни давом эттиради. Шундан кейин бироз вақт ўқитувчилик қилади. 1919 йилда саккиз ойлик ўқитувчилар тайёшлаш курсида ўқиб чиққач эса халқни маърифатли қилиш йўлида янада жиддийроқ шуғуллана бошлайди. 1921 йилдан Туркистон маориф комиссарлиги қошмағи илмий жамиятга фаол иш олиб боради. “Инқилоб”, “Маориф ва ўқитувчи”, “Билим учун” каби журналларда тақдир ҳаётининг аъзоси сифатида жиддий муаммоларни кўтариб чиқди. Элбек Тошкентга келган кезларда Абдулла Аҳлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ғози Юнус каби

...Эрк деа чиққавлар ҳибс қилинди, Ҳақ сўзини сўзлаган таллар тилинди. Уралди тегармаз жаллодлар билан, Йўқ сўзини сўзлагача жоусулар билан. Агримиз юракка сийганимиз тоғди, Оловлар ендириб кўкларга олди. Кўзголдик-маълумлар зулмга қарши, Чалинди ҳар ерда эркинлик марши. Уларнинг селлари тунув тошлар, Зоғиллар уларни буниб ошдилар. Узилди зопимнинг қалин бугови, Кўзголда, бўшала, бўшала сив. Чакнади, ўйнади қайтув кўзлар, Юзага чиқдв сақланган сўзлар. Эркинмиз, эркинлик тутини сақлаймиз, Ишчи-деҳқон манфатини сақлаймиз!

Афсуски... Элбек ўзи мадх этган “эркинлик” аслида кўзга кўринмас тузоқ эканлигини, нур деб интилган хилдақ эса вақти келиб халқни ўтдек куйдиришини кейинроқ англаб етди. Лекин бу вақтда у йўқ гуноҳлари учун чидаб бўлмас даражадаги совуқ мамлакат — Магаданга сургун қилинган ва бўйнига “халқ душмани” деган тамга осилган эди. Бирин-кетин Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари ўзбек халқининг отақалб фарзандлари ҳам турли хил тухмат ва айбловлар билан йўқ қилиб юборилдилар. Бунинг боиси кейинроқ аёнлашди: “Барча халқларни ягона байроқ остида бирлаштириб, қудратли давлат барпо этиш” ниқоби остида турли халқлар устидан яқхажуқронлиқни қўлга киритган тузум учун эркинлик истаб бош кўтарганидан, миллат ҳақ-ҳуққини талаб қилганидан ва бу йўлда оммани орқасидан эргаштира оладиган курашчан, эиелди кишилар



Йиғилганлар шеър то охирига етгунга қадар нафасларини ичига ютиб, диққат билан тинглайдилар. Йигит шеърни ўқиб тугатгач эса ҳам олқиш, ҳам ҳазил-мутоба билан шоирни ўртага олишди: “Домла, шундай гўзал шеърини едан ўқиб, барчамизни хурсанд қилган мана шу йигитни энди шогирдликка олмасангиз бўлмайди, Қани, бир фотиҳа берайлик...” Ҳазил-ҳазил билан Элбек шу кунни уйига шогирдлик бўлиб қайтади...

Элбекни 1929 йилда, Абдулла Қодирийнинг уйда бўлган ана шу мушоирада ҳижолатдан қутқарган ва “шогирда” деган ном олдан йигит — Юнус Мақсудий кейинчалик шоирга чиндан ҳам шогирд ва яқин дўст бўлиб қолди. Элбек уни икки йил енида олиб юриб ўқитди, илм берди. Кейинчалик педагогика соҳасида етук мутахассис бўлиб етишган Юнус ҳожи Мақсудий етузининг ишларини давом эттириш учун илм билан астойдил шуғулланди.

— Қайси даврда, қайси йилда бўлмайин, мендан “Элбек қанақа одам бўлган?” деб сўрашарди. Айтаманки, Элбек низоътада юмшоқ, сода, болаларни яхши кўрадиган, кўнглинган одам эди. Арзиманг воқеа сабаб, у кишининг дилларини ранжитадиган иш қилиб қўйганим юрагимда ҳалғича армон бўлиб қолган. Воқеа шундай бўлган эди: Бир кун домла мени енарига қақириб, яқин орада эзувчилар бизни қилиб йиғилишди. Юнусжон, сен Усмон Носир билан бирга хизматда бўлиб борасизлар” деб илтимос қилди. Мен аjoyиб байрамдек ўтадиган мушоираларни аввалдан билганим учун ўша кунни зориқиб кута бошладим. Бироқ бир кунни эшитсам, йигини ўтиб кетиб бўлибди. Наҳотки устозим шундай пайтда енарларга бирга бўлишимни маъқул кўрмади, деб қаттиқ ҳафа бўлдим ва бир шеър езиб, Элбекка жўнатиб юбордим. Гинахонликдан иборат бу шеър, адашмасам, шундай эди:

Мени бир беваво дўст бор эди деб йўқламайсизку,
Ғарб-бекасу ағдор эди деб йўқламайсизку.
Сизга дўст бўлганимга неча йиллар бўлди, дарвоқе.
Дилда севгисиз бирер эди деб йўқламайсизку.
Азладан қисматим ушоқ элига бўлди ҳамдарлик,
Жунун водийсизда чин ер эди деб йўқламайсизку.
Йиғилгач ақли ашшор, дўстларингиз анжумаларга
Ичим ҳам толиб ашшор эди деб йўқламайсизку.
Афандим, сиз бу Мақсудийга устоз, элга Элбексиз,
Элатлар бизнига хўмвор эди деб йўқламайсизку.

Шеърни жўнатишга жўнатиб, ўзларига кўриниш беролмай юрган пайтмида устоз мени йўқлатиб қолдилар: “Юнусжон, шеърни олдим. Утган иш учун ақтириб юборган эдим. Қаттиқ бетобланиб қолиб, тақлифимни етказолмабди. Ўзи ҳам қатнашолмади...” Мен аҳolini суриштирмай, шоқалоқлик қилганимни тушуниб етдим, Шеърни домладан олиб, йиритиб ташламоқчи эдим, у киши унамадилар. Қувверинг, баҳонада унинг шеър дунегга келибди, мен уни умримнинг охиригача сақлайман, — еддилар ички самийиат билан. Элбек ана шунақа гина сақламайдиган бегубор инсон эди...

Элбекнинг бошига тушган қора кунлар фақат унинг ўзи учун эмас, яқин дўстлари, маслақдошлари ва шогирдлари учун ҳам азобли бўлди. Элбек қамалгач, тақдид ва таъкибларга дуч келган Юнус Мақсудий узоқ вақт Мирзачўл томонларда яшади, қовунчиларга шерик тушиб, кун кечиринга мажбур бўлган эди. Унинг бу ҳақидаги хотираларини Элбек юбилейин қатнашчилари ҳажжон билан тинладилар. Дарвоқе, Элбек юбилейига таширф буюрган Хумсонлик қариялар (уларнинг кўпчилиги Элбекни яхши билишаркан) меҳмонларга ўз кўрган-билганларидан, Элбек билан боғлиқ воқеалардан гапириб беришди. Шу қишлоқлик Мақкам Ота Юнусов даврдошлари орасида ибратли бир гапни айтдилар. — Биз бола билан пайтларимизда Элбек Тошкентда ўқирди, — еслайдди отахон. — Ақаси уланда қишлоққа келган Элбекни биринчи марта мен жуда ақиндан кўрган ва гапларини эшитган эдим. Ақасини кўмиш

бутун меҳнатлари бугунга келиб ўз қадрини топа бошлади. Тадбирда сўзга чиққан эзувчилар, шоир ва адабиётшунос олимлардан Пиримқул Қодиров, Санъ Аҳмад, Мирмуҳсин, Жамол Камол, Озод Шарофиддин, Ортиқбой Абдуллаев ва бошқалар бунга алоҳида таъкилдилар.

Халқимизда ўтмишсиз келажак йўқ, деган ибратли нақл бор. Дарҳақиқат, тарихимизни мухаммал билмасдан, миллий ва маънавий қадриятларимизни тиклашдан ва улуг бобоқалонларимизнинг хурматини ўз ўрнига қўймасдан туриб буюк келажак яратиб бўлмайди. Президентимиз Ислам Каримовнинг “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини тузиш ҳақидаги фармони ва Вазирлар Мақамасининг шу ҳақидаги қарори мана шу мақсадда қилинган хайрли ишлардан биридир.

— Биз аждодларимиз қолдирган бий маданий меросни ўрганиш ва тарғиб қилиш эвазига миллий истиқлол мақсудларини яратамиз, — дейди вилот Хокимининг муовини Ҳакимжон Ҳамидов биз билан суҳбатда. — Худди шунинг учун ҳам вилотимизда қадриятларимизни тиклаш ва ўрганиш борасида катта ишлар бошлаб юборилган. Бултурдан буюн “Жума — маърифат кунин” деб эълон қилиниб, вилотда бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ота-болаларимиздан мерос бўлиб қолган бир қанча мадрасалар таъмирланди, баъзилари ҳақиқий эиераттоҳ жойларга айлантирилди, атоқли кишиларнинг номларини абадийлаштириш мақсадида жамоатчилик ердани билан хайрли тадбирлар ўтказилмоқда. Элбекнинг 95 йиллигига бағишланган тадбир ҳам ана шу ҳаракатларнинг давомидир. Онининг айтиш керак, агар мустақилликка эришмаганимизда бизда бундай имкониятлар бўлмади. Демак, халқимизни шундай еруғ кунларга олиб чиққан, Элбек ва унинг сафдошлари ният қилган чинакам

Эрк ва Истиқлолни жон қадар асрашимиз, мустаҳкамлашимиз керак. Ҳа, Элбек биз яшаб турган бутунги чин Мустақилликни оруз қилиб яшаган ва ерк ҳақида оташин шеърлар езган эди. Унинг бу борадаги фикрлари ҳозирги авлод учун ҳам низоътада қимматли ва ибратли-ки, олтиш йиллар наридан туриб хитоб қилетган Элбекни “орамизда йўқ” дейишга маънавий ҳаққимиз йўқ! У езганидек:

Эрк муқаллас қонун эрур,
Миллатларга эрлик берур.
Кимки бунга кўркак керур,
Эрк чечалган албат терур.
Эрк отига бермай озиқ
Қаттиқ чоймоқ-тувоқ езиқ!
Эрк мянчис — чоймоқ эмас,
Эси борлар бундай демас!
Эрк махнис: эркин бўлмоқ —
Илму-хунар билан тўлмоқ!
Йўқсул элга билим бермак,
Машаққатга кўркак кермак!

Зарифа ЭРАЛИЕВА,
“Тошкент ҳақиқати”нинг махсус муҳбири.
• Суратларда: шоир Элбек юртда ўтган тадбирдан давларлар.
Абдул Ғани ЖУМА суратлари.

WorldCupUSA94



ниҳосига етмоқда. Кейинги учрашувлар куйидаги натижалар билан тугади.

- “А” ГУРУҲИ: Швейцария — Колумбия — 0:2;
“В” ГУРУҲИ: Бразилия — Камерун — 3:0;
Швеция — Россия — 3:1;

ФУТБОЛ БУЙИЧА ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ

ИШҚИБОЗ ЁН
ДАФТАРИГА

- XV жаҳон чемпионлигининг гуруҳлардаги дастлабки босқич ўйинлари
“Д” ГУРУҲИ: Аргентина — Нигерия — 2:1;
Болгария — Греция — 4:0;
“Е” ГУРУҲИ:
Мексика — Ирландия — 2:1;
“Г” ГУРУҲИ:
Бельгия — Голландия — 1:0;
Саудия Арабистони — Марокаш — 2:1;
Гуруҳлардаги ўйинлар 30 июль кунини тугатади. Бу гун Марокаш — Голландия, Бельгия — Саудия Арабистони футболчилари куч сынашадилар.

КУБОК КИМГА НАСИБ
ҚИЛАРКИН?

Футбол буйича Ўзбекистон кубоги кимга насиб қилиши Фарғонанинг “Нефтчи” ва Янгйернинг “Янгйер” командалари ўртасидаги баҳсада маълум бўлади. Утган ақшанба кунини тақрибий ярим финал ўйинларида “Нефтчи” Наманганнинг

“Навбахор” командасини 2:0 ҳисобида мағлуб этиб, иккинчи ўйин натижасига кўра финалга чиқди. Тошкентда “Пахтакор”ни 3:2 ҳисобида ютган янгйерлик футболчилар ҳам кубок учун курашини давом эттириш имкониятига эга бўлди.

Шундай қилиб, 17 июль кунини Тошкентда республика чемпиони “Нефтчи” билан “Янгйер” командаси ўртасида Ўзбекистон кубоги учун ҳал қилувчи ўйин бўлади.

(ЎЗА МУҲБИРИ)



Қизиқ эканми, эртак?

Р. АЛПБЕКОВ тасвири.



ХУМОРИЙ КҮЙЛАБ ЎТГАЙ
ЕРНИНГ ЭҲСОН ҚАДРИНИ...



АНГРЕНЛИК УСТОЗ ҲАМКАСБИМИЗ АБДУҒАФФОР АКА УБАЙДУЛЛОВ 80 ЁШДА

Абдуғаффор ака Убайдуллоев... вилотимиздаги кўпгина қалам соҳибларига устозлик қилган бу инсон ҳақида гап кетганда, аввало, у кишининг ҳокисорлиги, камтару-камсуқумлиги, каттаю-кичикча бирдек муносабати ва шу каби бошқа ажойиб фазилатлари кўз олдимизга келади. Эсини танингандан бери журналистикдаги машаққатли касбада қалам тибратган Абдуғаффор ака бадий ижодда ҳам ўз ўрнига эга бўлган сифатда кўчаларга таниш. Унинг ижодиде уруш мавзун кенг ёритилган. Бу бежиз эмас албатта. Абдуғаффор ака 1941 йилдаги бошланган урушнинг бошидан то охиригача қадар кўнда курсол билан жанг қилган. “Ҳаёт оқими”, “Кониқ издан”, “Бир аёз сурат”, “Аждаҳо қомиди” сингари кисса ва ҳикоятлар тўпламларини китобхоналар ички кутубхоналарига эътибор билан қўйиб берган эҳсон қадрини...

Бўлмас эрининг вафоси мастигини мақдун эмас. Яқин бўлсанг бу ҳафта онланга дарғасан, Елкандан кетса мағлуб, чуққанин сойдан эмас. Бўлса ҳам инги иморат, боғи-роғини мақтамас, Бўлмас арзанда фарзанд йўқлигини жойдан эмас. Хар нечук толе удурым гавжум уйини нур бор, Бул ёруғлик ўчмас асло тунги ул ойдин эмас. Чин хумкорлик ўзи бир гул, Ер вафоси бир наво, Бул навадан гул очилгай, булбули найдан эмас.

Солма бозорга чиройинг, лоланинг хуштори кўп, Чин муҳаббат ерда қолганин анинг пулдори кўп. Мен деганлар аро торлар мактабинг ўз кўнмига, Солта жаннат рохатдан неча бор озори кўп. Ҳаёт беҳор айланганин тоғонидан ёри бор, Ҳаёт эрининг дарди билан тинчмас бозори кўп. Билмагансан чин юракнинг кечалар аборлигин, Бир оғиз сўз айта олмай фурқатдан зори кўп. Кимки ишқини тоза туйтай бу фалак айемида, Покилдан қалби гулгун, номуси кўп, ори кўп. Ори кўпнинг ташвиқи улким, сўлмагай ҳеч гулшани, Лоплар пайқон этилмас бўлса ҳам хумори кўп. Усса буюриб гулшанида шода-шода гулчалар, Билки умринг пола янгиғ оёз очар баҳори кўп.

Агар мансаб баланд бўлса, баландликдан ҳавопанма, Ҳалойиқ олданда номисиз, чул-ҳасад баҳоланма. Агар олим жудо бўлса илим олгунча шоғирдан, Куюк савлат чўйиб юрган табиқларда даволанма. Гаҳи тўю, гаҳи байрам, жанулубан бўлса уфатлар, Киброли зодогонлардай кетиб ундан “сера” ланма. Шукрим дидли одам бўлса, тафовутларин сезгунча, Қўйиб тингини жиповини, заҳар тилдан араланма. Базмлар майисиз ўтмайди, анинг меҳрини билгини, Бўлиб талба улус аро, қора номла қораланма. Гадолардан қўлинг чўзма, бажо қилганда хизматини, Наки пора касалиқини, тахаллардан заҳарланма. Унинг тўрида пошосан, севилкинг сенга парвано, Булак оини Хумор айлаб, малкиндан мажоланма. Тўғилмок иштироқини, тугилдинг элга фарзанди бўл, Бузиб ахлоқ китобини ҳаётиндан сазоланма.

Тахририятга хат

АРЗИМИЗНИ ЕТКАЗИНГ

Хурматли тахририят хоҳимлари! Биз ҳар кунни Оққўрғон автокорхонасига қарашли Димитров-Тўйтапе йўналиши буйича қатновчи автобуслар хизматидан фойдаланамиз. Аксарият кўпчилик кундалик хизматга бориш учун ана шу автобусларни кутади.

Лекин, кейинги пайтларда баъзан бу йўналиш буйича бир кунда битта ҳам автобус бўлмайдиган кунлар учрамоқда. Масалан, апрель ойининг биринчи ўн кунлигида 4, 5, 8 апрель кунлари автобус умуман бўлмади. Тўғри, шароит бирмунча оғир ҳозир енилга танқис, эҳтиёт қисмлар етишмайди.

Лекин мутасаддилар бунга бирор-бир чора топиб, ишни йўлга қўйишлари керак-ку. Улар шунинг учун ҳам давлатдан маош олиб, раҳбарлик лавозимиде ишлаяпти-ку! Илтимос, автобусларнинг қатновини йўлга қўйиб, узогимизни яқин қилишда кўмак берсангиз. Оққўрғон

Мухаррар Н. НАСИМОВ

ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ
ЧИНОЗ ДАВЛАТ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

1994-1995 ўқув йили учун ўқувчилар қабул қилди. Сохтов техникум ишлаб чиқаришдан ажратилган ҳолда қуйидаги мутахассисликлар буйича мутахассислар тайёрлайди:
Ветеринария фельдшерлари;
Фермер (деҳқон) хўжалигининг тапшилотчилари;
Техник-электриклар (қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш);
Фермер (чорвачилик) хўжалигининг тапшилотчилари.
Ушунини битирганлар қуйидаги лавозимларда ишлаши мумкин.
Хўжаликларда, ширкатлар уюшмасида ассоциация ва фермерлар тапшилотчиларида ветеринар врач, фермер ва арендатор, оилавий пураччи раҳбар, хўжаликларда тижорат реализатор ва ҳамма тапшилот корхоналарида бош механик, электрик.

БИТИРИБ ЧИҚУВЧИЛАРГА ҚУЙИДАГИ ҚЎШИМЧА
МАЛАКА ЭГАЛАРИ ДЕГАН ГУВОҲНОМА БЕРИЛАДИ:
Ҳайвонларни суғий тапшиштириш теҳниси;
Электромотор (100 вольт қучлинига эга бўлган);
Тракторчи-машинист;
Хаваскор-ҳайдовчи;
Сут соғир оператори.

ТЕХНИКУМДА ЎҚИШ МУДДАТИ:
1. Асосий умумтаълим мактабларини битирганлар учун (8-9 синф) 3 йил, 10 ой.
2. Урта умумтаълим мактабларини битирганлар учун (10-11 синф) 2 йил, 10 ой.
Ўқитиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Хўжалиқнинг қабул қилиш вақти:
8-9 синф маълумоти билан, 1 июндан — 31 июлгача
10-11 синф маълумоти билан, 1 июндан — 15 августгача,
Кириш имтиҳонлари 1 августдан — 20 августгача.
Ўқиниш кириш учун қуйидаги хужжатлар топширилади:
1. Ариза
2. Маълумоти ҳақида гувоҳнома еки шаходатнома (асли)
3. Тиббий маълумотнома (№-086 У нусха)

4. 3x4 ҳажмида 6 донга фотосурат
5. Ўқиниш йўналиши (форма буйича)
6. Меҳнат дафтарида исми кўчирма (ишлабчилар учун)
7. Япаш жойдан маълумотнома.
Техникумга қабул қилинганлар умумий асосда етоқхона ва нафақа билан таъминланадилар.
Техникум манзилноҳи: 702850 Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор кўрғони Ю. Каримов кўчаси 36-уй.
Телефон: 36-380.

ФЕРМЕР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!
Зангаламайдиан пулдатдан қилинган қўрилма Сизга катта бойлик келтиради.
“КОНВЕРСИЯ” акционерлик жамияти йилга 30 минг литр гача унумдорликка эга бўлган қўри сифати спирт олишга мўлжалланган қўрилмани етказиб бериш буйича буюртмалар қабул қилади.
Кафолат муддати 1,5 йил. Сиз “Конверсия” акционерлик жамиятининг юқори унумдор бўлган жиҳоздан, тежамкорлиқдан фойдалангангиз ўз ишпаинингизнинг ҳақиқий эгаси бўлиб қоласиз.
Буюртмаларингизни қуйидаги манзилгоҳга езиб юборинг:
109072, Москва, Софийская 24-уй, 3-хона.
“КОНВЕРСИЯ” А.Ш. Телефонлар: 2311853, 2313725, 2332741, 2334266.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани С. Айнйи номли 84-ўрта мактаб маъмурияти томонидан Йўлдошев Жамолиддин Фахриддиновнинг номига берилган А — № 520795 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги Оқубобоев номли 9-мактаб томонидан 1994 йил 19 июнда
ХОТАМОВ МАХМУТХОН АХРОРОВИЧ номига берилган 448546 рақамли етулик шаходатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ОСМОН ОСТИДАГИ ОЧИҚ МУЗЕЙ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ халқлари маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихини ўрганишда, муҳим аҳамият касб этадиган вилотлардан бири Тошкент вилотидадир. Қўлай табиий шароити, ҳайвонот, ўсимлик дунёсининг бойлиги тўғрисида бу жойлар кенгини тош даврдаюқ ибидий одамлар, балқичлар томонидан ўзлаштирилган. Ибидий одамлар яшаган гор ва очик маконлар, алоҳида тош қуроллари ишланган йирик устанолар, тош ва қолларга ўйиб муҳрланган сирли тасвирлар ҳам олинган. Қадим-қадимдан ушбу бурчак нақшлар билан безалган сопол идишлар, бронзадан ўрама қилиб ясалган билгазуқлар ва бошқа ҳаётий зарур бўлган турли-туман дамқорлар ҳам топилган. Тошкент воқеасида илк таъмир асрида сақланган скиф қабилалари яшаш. Бу қабилаларнинг ҳаёт тарзи ҳақида бронзадан ясалган найза ва ёй ўқлари, сопол идишлар, қабр кўрғонлари, сирдорларнинг ўнг қирғоғи ҳамда тоғ этакларидаги ибидий одамлар ва маъданларни эритиш манзиллари фикримизни далиллайди. Бу ерларда кўчманчилик истиқомат қиладиган тарихий буюмлар билан бир каторда деҳқончилик ҳам ривожланиб боради, қишлоқлар, кейинчалик шаҳарлар пайдо бўлади. Бу воқеада мавжуд бўлган қадимий ёдгорликлар ўтмиш ҳаётини, турмушини тарз тўғрисида маълум даражада гувоҳлик беради. Янгйўл шаҳри яқинидаги “Ковуңчи” тепада қазинишлари олиб бориладиган топилган осори-атикалар, ашлар асосида “Ковуңчи маданияти” деб атаган маданият тушунчаси ажузда келган.

Янги эрининг биринчи минг йиллиги ўрталарида ушбу воқеа эрталаблар давлати тарихига кирган. Воқеадаги кўп сонли маъдемайда мулкдорлар иккита давлатга — маркази Тошкент бўлган Чоқ ҳамда маркази Охангарон дарёси қирғоғига жойлашган ҳозирги Олимқалиев шаҳрида жойлашган Тўғрисида бўлган Илоқ давлатга бйрлашган. Бу даврларда қўлаб истеҳкомли қасрлар вужудга келган. Эндиликда бу истеҳком қасрлар олдидан бир тепага еки бир бир дўғилликка айланиб қолган. Илк маъналарда Чочнинг минг қалъадан иборат дейилиши бежиз эмас албатта. Уша қадимги даврларда ҳам жонанон дёғиримизда деҳқончилик, чорвачилик, хуварчилик, савдо-сотиқ ишлари ривожланган. Ўрганилган тангалар берган маълумотларга қараганда IX асрдан бошлаб Тошкент воқеасида Сомонийлар хонадонидан бўлган маҳалили феодаллар ҳукмронлик қилган. IX-X аср географлари Шов ва Илоқда қирқдан ортиқ шаҳарлар мавжуд эканини қайд этдилар. Бу ерда қулчилик, шимасозлик, маъдан кон қазинишлари ва металл буюмлар ишлаб чиқариш ишлари пийшириш, чармдан буюмлар тайёрлаш, егочеслик кенг ривож топган. Қадимий муаллифлар Шовдан четта турли-туман газлама ва тўғилвалар, чарм буюмлари, баланд қошн эгарлар, тош ўқ-

дараксиз йўқолиб кетган шахидларнинг қабрларини излаб топши, топилган қабрларга шахид кетганларнинг қариндош-уруғлари ва ақинларнинг эмератларини уюштириш, дёринимизни ҳар ҳовч турроқ олиб бориб, уларнинг қабрларига қўйиш, улар етган турроқни бир ҳовч олиб келиб, узоқ яқинлар билан урф-одатларимизга бежо келтириш маросимларини ташкил этиш, уруш бўлган ўтган жойларда шахид бўлганларни жойларини қидириб топшиди. Бунинг учун ҳар йили иккита марта Тошкентнинг ақинлари экспедициялар уюштирилмоқда. Бу мавзуда ташкил этилган махсус кўрсатува “Ўтмишсиз келажак йўқ” деб аталади. Бу кўрсатува бир ойда бир марта ойнанжаҳон юзини кўради. “Прометей” отряди катнашчилари ўтган йили уруш бўлиб ўтган Смоленск вилотида бўлиб, уша ерда қидирув ишларини олиб бортан отрядлар билан ҳамкорликда тўрт юз олти жонининг арқасида суқларни таққоқликлардан қавлаб олиб, расм-рўсмлар билан дафн этиб қайтарди. Уша қидирув ишларида ватандошимиз, самарқандлик бир жангчининг медаллоси топилди. Унинг исми-шарифини маъбулда эълон қилдик. Зора қариндош уруғлари, яқинлари топилиб қолса, Бу йил ҳам жангчи ҳаётларининг руҳларини шод этиш мақсадида бор кунда бизга Ўзбекистон ҳаво йўллари компанияси йўқлири билан таъминлашдек савобли ишни ўтган йилдагидек ўз амалияларига олганлар. Биз шундай фидойи ва сажий кишилар қизилга муҳтома.

Олимларимизнинг ҳисоб-китобларига қараганда Тошкент вилотининг ўзда бир минг беш юздан ортиқ археологик ёдгорликлар мавжуд. Лекин буларнинг ҳаммаси дафн атрафлиги ўрганилмаган. Уларни жиндий ўрганиб, илмий асосда баҳолаш, сақлаш, асраш кўлларини топиш лозим. Шундай бир назар ташланганда Тошкент воқеаси осмон остидаги катта бир усти очик музейга ўхшайди. Лекин бу музейнинг кучидаги қанчадан-қанча обидлар, эъз авиллар қадими етган жойлар ўрганилмаган, ҳақиқимиз тингда, дилда сақланиб келадиган таъсирчан афсоналар, ривоятлар, эрталар, топшимоқлар, қўйингики, маданиятимиз, маънавиятимиз, урф-одатларимиз қўйилган олтин сандиқ ҳали тўлалигича очилгани йўқ. Уни очиб, кўзқорамиздаги сақлаш дёринимизда истиқомат қилатган ҳар бир фўқоронинг она-Ватан олдидеги фарзандлик, умуминсоният олдидеги бурчидир.

Миртурсун МИРСОАТ ўғли.
Вилоят ёдгорлик жамияти раҳбари, ўлкашунос.

МУАЛЛИФДАН: Хурматли тахририят! Шу мақолада акротиқлардан қалам ҳақини ёдгорлик жамияти ҳисобига ўтказишимизни сўрайман.
Тошкент вилояти ёдгорлик жамиятининг ҳисоб-китоб рақами — 00070405 ПСБ.
Тошкент вилоят бўлими.
Тошкент шаҳри. Код. 172787336.

кин эмас. Енги чўққудек бўлса бу тўғрисида тезда ўт учирини қисмларига хабар бериш учун зарур алоқа хизмати доимо шай ҳолда туриши шарт. Енги ичида одам еки техника қолган бўлса, уларни биринчи навбатда кўтқариб енгни чиққан жойнинг атрафи тезда ҳайдалиши зарур.
Ўқоривдаги қомдаларга риоя қилинса сизнинг хўжалигингизда, корхонангизда енгни чиққининг олдини олтиш бўлади. Енгиининг олдини олтиш бўлмаса пайдо бўлган муаммоларни ечиш учун туман давлат енидан сақлаш назорати бўлимига мурожаат қилишимиз мумкин.
Н. ЁДГОРОВ,
Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси енидан сақлаш бўлими муҳандиси, ички хизмат майори.

ҒАЛЛАНИ ЁНГНДАН
САҚЛАЙЛИК

Бу йил вилотимиз ғаллазорларида мўл ҳосил етиштирилди. Албатта, машаққатлар эвазига етиштирилган баракали дон ҳосилини вақтида ўриб-йиғиб олиш буғунги кундаги энг долзарб вазифадир.
Ўрим-йиғим даврида енгиининг олдини олтиш учун белгиланган қоидаларга қатъий риоя этиш талаб қилинади. Бунда асосий масъулия — енгни хавфсизлигини таъминлаш жомоа хўжалиқлари ва корхоналар раҳбарлари зиммасида бўлади.
Энг аввало бугуд бошоқлари

пишиб етилиши билан бугудёзорлар атрофини ҳайдаб қўйиш керак. Айнқса, автомобиль йўллар яқин жойлашган бугудёзорларни тўрт метр кенликка ҳайдаб қўйилади.
Ўрим даврида бугудёзорларни қомбайнинг бир қулик ўриш бўлжалига қараб участкаларга бўлжанади. Бунда участкалар ораси 8 метр кенликка ўриб ажратилиши ҳамда 4 метр кенликка ҳайдаб қўйилиши зарур.
Хашак йиғадиган транспортлар ҳамда қомбайн подпийникларини ўрилик қолган хашаклардан тез-тез тозалаб

туриш талаб этилади.
Бугудой ўриш вақтида сомон қолдиқларини, ўримдан қолган бошоқ қолдиқларини еқиб юбориш, дала шийнонларига, бошоқ тозалаш хирмонларида сомон гарамланган ерларда ва ҳосилни ташини вақтида чекиш тақияланади. Хирмон олдиде ишлаб турган техника ва мосламаларни ҳаровсиз қолдириш, бугудой омонлариде бегона жиҳозлар ва буюмлар сақлаш, электр тақсимлаш шкафларида ностандарт пробылардан фойдаланиш мум-

«Тошкент ҳақиқати»
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги
БИЗНИНГ МАНЗИЛ: 700000, Тошкент, ГСП, Маъбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОН: хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 334-048
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 8. Буюртма Г—991. 20900 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ, Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2
• Эълон ва билдирувлар кечқиримдан чоп этилиши кафолатланади.
• Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.
• Фойдаланилмаган мақолаларга эъза жавоб қайтарилмайди.